



КАТТАҚЎРҒОН ТЕАТРИДА ЁШЛАР ИЖОДИ

Пардаев Шавкат Низомович,

Ўзбекистон Давлат Санъат ва Маданият институти

“Театр санъати” ихтисослиги мустақил изланувчиси

(PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада Каттақўрғон театрида Мустақиллик йиллари олиб борилган изланишлар ҳақида сўз боради. Жумладан, икки мингинчи йиллар бошида театрда келган ёшларнинг ўзига хос иқтидорлари янгича тенденцияларга асосланган спектакллари саҳналаштирилиши тақозо этди. Мақола шундай спектакллардан бири “Тўда” ҳақида.

Калит сўзлар: Каттақўрғон, ёшлар, театр, труппа, спектакл, образ, актёр, тўда.

ТВОРЧЕСТВО МОЛОДЫХ В ТЕАТРЕ КАТТАКУРГАНА

Пардаев Шавкат Низомович,

Независимый соискатель (PhD) по специальности “Театрального

искусства” Государственного института Искусств и культуры

Узбекистана

Аннотация: в данной статье речь идёт об исследованиях проведённых в театре Каттакургана в годы независимости. В частности, особенности молодых людей, которые пришли в театр в начале двухтысячных годов обязали поставить спектаклей на основе новых тенденций. Статья об одной из таких спектаклей – «Стая»

Ключевые слова: Каттакурган, молодёжь, театр, труппа, спектакль, образ, актёр, стая.





YOUTH CREATION AT KATTAKORGON THEATER

Пардаев Шавкат Низомович,

*Uzbekistan State Institute of arts and culture "Theater art" specialty
independent researcher(PhD)*

Annotation: In this article the history of Kattakurgan, there is talk about the first steps of the Kattakurgan theater during the Shuro period. This article discusses the research conducted at the Kattakurgan Theater during the years of Independence. In particular, the unique talents of the young people who came to the theater in the early 2000s required the staging of performances based on new trends. The article is about one of such performances, "The Crowd"

Keywords: Kattakurgon, youth , theater, troupe, performance, character, actor, gang.

Каттакўрғон шаҳар драма театрининг иқтидорли кенжа авлод актёрларининг театр сахнасига кириб келишлари ўзига хос спектакллар билан кечган. 2014 йилда сахналаштирилган Насрулло Қобулнинг "Тўда" асари шулар жумласидандир. Бу пьеса Иттифоқ даврининг охириги йилларида авж олган иллатларни рўй-рост очиб бериш билан бирга қизил империянинг инқироzi кўпчиликка салбий таъсир этганини, айримлар учун эса улкан фожиага айланганини бир гуруҳ ёшлар ўртасидаги зиддиятлар орқали кўрсатиб беради.

...Гиёҳвандликка берилган бир тўда ёшлар кимнингдир наркотика олиб келишини кутиб, аянчли аҳволда ўтиришибди. Уларнинг ичидан биттаси – Самандарда ўзи мансуб тўда ва қилаётган нобакор ишларига нисбатан нафрат уйғонган. Унинг туйқус бундай ўзгаришига кўрган туши сабаб. Тушида қандайдир гўдак уни бўғзига чанг солади. Самандар шу



ходисани яхшиликка йўйиб, келгуси соғлом ҳаётига даъват деб билади. Бунинг устига, у яқинда бир қиз билан танишиб, севиб қолган. Аммо тўдабоши Сухроб энди ўзлари тушган чоҳдан ҳеч ким қутқара олмаслигини айтиб, одатдаги ҳаётини давом эттиришга ундайди.

“Муҳаббатга ишонма, севги – сароб, одамларга ишонма, инсон зоти тубан ҳам қаллоб!”¹ деган фикр тўданинг шиоридир. Болаларнинг ижтимоий келиб чиқишлари бу шиорни қайсидир томонлама ўзида акс эттириб туради. Масалан, персонажлардан бирининг ота-онаси асли зиёлилардан бўлса ҳам, кун кечиришнинг осонроқ йўллари топишган. Улар наркотика савдосига вояга етмаган қизларини ҳам жалб этишган. Буни сезган акаси синглимнинг ҳаётини поймол қилманг, деб эътироз билдирганда, отаси уни оқ қилган.

Кейинги қаҳрамонимиз жажжи сингиси билан ўгай она қўлида қолган. Ўгай она бир куни қизчани уриб ўлдириб қўяди. Ака эса ўғри, безориларга қўшилиб кетиб, тўданинг фаол иштирокчисига айланади.

Яна бир персонаж – Зулининг тўдага қўшилишининг ҳам сабаби бор. У Самандар билан бир синфда ўқиган. Болаликдан кўнгил қўйган. Пировардида фақат Самандарни кўриб туриш учунгина ҳалокатли йўлга кирган. Камола эса наркоман йигитни севиб қолган. У соф муҳаббат ҳар қандай кишининг ҳам характери ўзгартириши мумкин дея ишонади.

109. Насрулла Қобил. Пьеса “Тўда” Каттакўрғон шаҳар драма театри архиви.

Асарда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик авж олган замон кўрсатилсада, спектаклда киши ўша тўда вакиллари айнан мустақиллик болалари сифатида қабул қилади.

Бу болаларнинг жиноий гуруҳга уюшишлари бекорга эмас. Уларнинг фикрича, барча муваффақиятсизликларига ота-оналари сабабчи. Чуқур





ўйлаб қарасангиз, ҳақиқатдан ҳам шундайдек. Зеро, боланинг тарбияси аввало ота-онанинг қўлидадир. Агар ота-оналарга мавжуд тузумнинг катта вакиллари сифатида қарасак, масала янада ойдинлашади.

Асар 2014-йилда Ҳабибулла Абдуллаев томонидан сахналаштирилди. У тўдадаги болаларга гиёҳвандликка муккасидан кетган тарбияси бузук авлод сифатида эмас, тузумга қарши бош кўтарган исёнчилар сифатида қарайди. Мақсадига эришиш учун спектаклга айрим сахналарни қўшади, айрим персонажларга мажозий тус беради, яна айримларини одамсифат махлуқ сифатида гавдалантиради.

Спектакль декорацияси мақсадга мос ишланган. Ўртада улкан чамбаракка осилган бир неча арқонлар, унинг ортида турган қуюқ ва қоронғи чангалзорни ифодаловчи икки задник спектаклнинг адашган ёшларга бағишланганидан далолат беради.

Мазкур декорация воқеаларни кульминацияга кўтаришда қўл келади. Арқонларга илашиб ҳаракатланаётган, ҳайқираётган Асад – Шохжаҳон Эгамбердиев, Ваққос – Нодирбек Исмоилов, Жаҳон – Шаҳзоджон Тўлаевнинг ҳаракатлари барчаларининг ҳаётлари абасга маҳкум этилганлигини англатиб туради. Тўдабоши Сухроб – Бекпўлат Рустамов эса қўлидаги ҳассасини бирининг елкасига, бирининг яғринига, бирининг бошига санчиб, наркотикага “ўтирғизади”. Бир сўз билан айтганда, тўдабоши ўзидан давр ўтганини ҳис этаркан, тўдани сақлаб қолиш учун ҳар қандай аблаҳликдан қайтмайди.

Пьесадаги Самандар – Маманиёз Рўзиев тўқ оилада ўсиб улғайсада, бир маромдаги ҳаёт, отасининг айрим куракда турмайдиган ишлари, меҳр кўрмай ўсганлиги туфайли қалтис йўлларни ихтиёр этади. Ота-онасининг эътиборини тортиш учун гиёҳвандликка рўжу қўяди. Ўғрилиқ,





талончиликка муккасидан кетади. Ўзини оқлаш вақти келганда эса тўдадаги бошқа болалар сингари барча гуноҳларига отасини айбдор ҳисоблайди. Чунки, улар Мустақиллик арафасидаги шовқин-суронли давр фарзандларидир.

Болалар тузумга нисбатан норозиликларини салбий феъл-атворлари билан, ҳалокатли қилиқ ва одатлари билан ифодалашади. Шу орқали жамиятнинг эътиборини тортишни исташади. Аммо, бу тўғри йўл эмас. Улар қаттиқ адашишди. Энди шу адашишнинг оқибати уларни ўлгунларича таъқиб этади. Шулардан келиб чиқиб, “Тўда”ни ҳақли равишда адашган авлод ҳақидаги спектакль деб аташ мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Насрулла Қобил. Пьеса “Тўда” Каттақўрғон шаҳар драма театри архиви